

# ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА ОЙЛИК ТЎЛОВЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Бойкобилова Ирода Жонтемир кизи**

Самарқанд Иқтисодиёт ва Сервис институти ” Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисоби ва аудит ” кафедра ўқитувчиси

**Аннотация:** Банк ўз мижозларига фоиз ставкалари ва бошланғич тўлов миқдорини пасайтирилган ҳамда тўлов шартларининг узайтирилган мижозга ҳар ой кредит тўлаш учун камроқ миқдордаги маблағни сарфлашига имкон берадиган хизматларини таклиф қилиши мақсадга мувофиқдир.

**Аннотация:** Желательно, чтобы банк предлагал своим клиентам услуги со сниженными процентными ставками и суммами первоначального взноса, а также продленными сроками платежей, которые позволяют клиенту ежемесячно тратить меньшую сумму денег на погашение кредита.

**Abstract:** It is desirable for the bank to offer its customers services with reduced interest rates and initial payment amounts, as well as extended payment terms, which allow the customer to spend a smaller amount of money to pay off the loan every month.

**Калит сўзлар:** Гаров шартномаси, неустойка, ўзгарувчан ёки ўзгармас фоиз ставкаси, ссуда, фоиз ставкалари, аннуитет, дифференциал, авансланган фоиз, захира.

**Ключевые слова:** Договор залога, неустопика, переменная или фиксированная процентная ставка, кредит, процентные ставки, аннуитет, дифференциал, авансовый процент, резерв.

**Key words:** Collateral contract, neustopika, variable or fixed interest rate, loan, interest rates, annuity, differential, advanced interest, reserve.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 август кундаги мамалакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқотда ”Кредит ставкаларининг юқорилиги ва кўплаб кредитлар қисқа муддатага тадбиркор учун ноқулай шартларда берилаётгани ва хорижий валюта курсининг мунтазам ўсиши ҳисобига тадбиркор учун қўшимча харажатларини келтирмоқда ” деб таъкидлаб ўтдилар.

Шунингдек, тижорат банклари нафақат субъектларни кредитлаш балки, ушбу ресурслардан кутиладиган натижани бухгалтерия ҳисоби орқали назорат қилишини тақазо этади. Шунингдек, кредит операцияларини амалага оширишда муаммоли кредитланинг юзага келиши, уларнинг бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлари талаблари асосида тартибга солишни зарурият қилиб қуймоқда. Ушбу заруриятдан келиб чиқиб тижорат банкларида кредитлар буйича тўлаш ва эҳтимолий йўқотишлар захираларини жараёнлари ҳисобини такомиллаштириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ҳар бир кредит бўйича банк ва мижоз ўртасидаги шартномада келишилган миқдордаги фоиз ставкалари асосида банк фойдасига фоизли даромадлар ундирилади. Фоиз ставкалари асосида банк фойдасига фоизли даромадлар ундирилади. Банкдан кредит олсангиз, албатта у бўйича ойлик тўловларни амалга оширишингиз зарур бўлади. Кредит бўйича ойлик тўловлар икки усулда амалга оширилиши мумкин: ҳар ой бир хил суммада ёки суммасидан келиб чиқиб бўлинган миқдорларда тўловларни амалга ошириш. Булар **аннуитет ёки дифференциал тўлов усуллари деб аталади**. Ҳар бирини алоҳида батафсил кўриб чиқамиз.

Кредитни сўндирилиш дифференциал усули бу ҳар ой асосий қарз бўйича бир хил сумма тўлаб борилади фоиз тўловлари эса кредит қолдиғи камайиб бориши билан бирга аста секин камайиб боради. Унинг таркибида кредит бўйича фоизлар ва бутун давр учун тенг тақсимланган асосий қарздан иборат бўлади. Фоизлар эса асосий қарз қолдиғига нисбатан ҳисобланади. Шу сабабали биринчи ойларда тўловлар миқдори катта бўлиб кўринади аммо муддат охирига камайиб боради ва минимал даражага этади. Кредит бўйича қарз ҳар ойга тенг қисмларга бўлинади. Энг катта тўловлар муддат бошига тўғри келади. Бу усул ўзгарувчан даромадга эга бўлган қарз олувчилар учун қулайдир ва қарзни муддатидан олдин тўлаш орқали ортикча харажат қилишини олдини олади.

Дифференциал тўловнинг кучли томонлари қуйдагиларни ўз ичига олади:

- Ойлик тўловлар вақт ўтиши билан камайиб боради;
- Аннуитет билан таққослаганда устама тўлови камроқ бўлади;
- Асосий қарз қолдиғи тез камайиб боради;
- Муддатидан олдин қайтариш қулай ва ва фойдали;

Дифференциал тўловнинг камчиликларига қуйдагиларни киритиш мумкин:

- Муддат бошида қарз юкнинг кўплиги ;
- Қарзни қайтариш жадвалини диққат билан кузатиб бориш ва роия қилиш зарурияти;

Дифференциал тўлов фоизлар бўйича суммалар қуйидаги формула асосида ҳисоблаб чиқарилади.

Фоиз суммаси = кредит миқдори \* фоиз ставкаси \* кунлар сони/365 , бўлиб ҳисобланади.

Лекин барча банк операциялари компютерлаштирилганлиги сабабли дастурий йўл билан тўланадиган фоизлар ва асосий қарз суммалари бутун кредитлаш даври учун график кўринишида чиқариб берилади. Бундай графикнинг бир нусхаси мижозга берилади, мижозлар ушбуграфик асосида кредит суммасини ва фоизларни белгиланган тартибда тўлаб борадилар. Банкларда кредитлар бўйича фоизлар ҳар куни ҳисоблаб борилади ва 16309-“Ссудалар бўйича ҳисобланган фоизлар” ҳисобварағида акс эттирилади. Фоизлар ҳисобланган, лекин ҳали ундирилмаган ҳолда қуйидаги бухгалтерия провodkaси бажарилади:

Дебет 16309 “Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар”

Кредит 42601 “Хусусий корхоналарга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар”

Фоизлар суммаси ундирилганда эса қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Дебет 20208 “Хусусий корхона, ширкат ва жамоаларнинг талаб қилинган часакланадиган депозитлари”

Кредит 16309 “Берилган кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар  
Кредитни тўлаш ва ундан фойдаланганлик учун фоизларни тўлашнинг аннуитет механизми узок муддатли йирик кредитларга (асосан ипотека) фуқаролар учун қулай режимда (сумма бўйича қарз олувчи учун қулай бўлган даврий тўловлар билан) хизмат кўрсатиш имкониятини беради. Аннуитет механизми қарзни тенг тўловларда қайтаришни ўз ичига олади. Шу билан бирга, ҳар бир кейинги тўловда тўланган асосий қарзнинг улуши ортади ва тўланган фоизлар улуши камаяди.

Аннуитет тўлови - асосий қарз қолдиғи бўйича ҳисобланган фоизларнинг тўлиқ тўланишини, шунингдек, белгиланган фоиз ставкаси бўйича барча ойлик тўловлар тенг бўладиган тарзда ҳисобланган кредитнинг бир қисмини ўз ичига олган ойлик тўлов. бутун кредит муддати.

$$x = S \times \left( P + \frac{P}{(1 + P)^n - 1} \right)$$

кайерда

$x$ – тўлов миқдори,

$S$ – асосий қарз суммаси,

$P$ – давр учун фоиз ставкаси (ой, йил ва бошқалар),

$n$ – кредит берилган даврлар сони

Масалан, қарз олувчи 1 йил муддатга йиллик 10% ставкаси билан 1200 АҚШ доллари миқдорида кредит олади. Аннуитетни тўлаш жадвали қуйидагича кўринади:

Ой	Тўлов миқдори жумладан:	Фоизларини қайтариш:	Асосий қарзни қайтариш	Қолган асосий қарз:
0				1200,00
1	105,50	10,00	95,50	1104,50
2	105,50	9,20	96,30	1008,20
3	105,50	8,40	97,10	911,11
4	105,50	7,59	97,91	813,20

5	105,50	6,78	98,72	714,48
6	105,50	5,95	99,55	614,93
7	105,50	5,12	100,38	514,55
8	105,50	4,29	101,21	413,34
9	105,50	3,44	102,06	311,29
10	105,50	2,59	102,91	208,38
11	105,50	1,74	103,76	104,63
12	105,50	0,87	104,63	0,00
Жами	1266,00	66,00	1200,00	

### 1-жадвал: Кредит фоизларининг сўндирилиши

Шунинг учун аннуитет тўлов усули билан кредитлар кенг қўлланилади. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак банк кредитлари ва фоизлари бухгалтерия ҳисоби ва фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда аниқ ва ҳамда тўғри акс эттириш даврида акс эттирилади. Банклар томонидан ажратилган кредитларининг ўз вақтида қайтаришлиги ва кредит фоизлари ўз вақтида қайтаришлиги устидан кредит мониторинг ўтказишнинг устидан назоратни янада кучайтириш. Уларнинг қайтарилмаслик аломатлари мавжуд бўлганда ушбу кредитлари бўйича халқаро стандартларига муофиқ коллектор ташкилотлари тузиб улар орқали яни шу йул билан шубхали ва умидсиз кредитларнинг деб таснифланган муоммали кредитлар салмоғини камайтириш мумкин.

Банклар ҳозирги кредит тўловларини тўлаш вақтда иккала усулдан ҳам фойдаланади бироқ ҳозирги вақтда вазиятда кредит дастурларининг аксариятида аннуитет тўлови белгиланганидир. Бу банк ташкилотлари учун фойдалидир. Бироқ мижозга танлаш имконияти берадиган банк ҳам мавжуд. Албатта қарз олувчи танлаш ҳуқуқига эга ва дифференциал тўлови афзаликларидан фойдаланиш учун банк боғланиб кредит олишга мурожаат қилиши мумкин.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Пўлатов, Х. Ў., & Абдугаппаров, Ш. А. (2022). БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТИДА ФОЙДА СОЛИҒИНИНГ ҲИСОБЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ. Экономика и социум, (5-1 (96)), 593-596.
2. Пўлатов, Х. Ў., & Абдурасулов, Ж. А. (2022). ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲИСОБИ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ. Экономика и социум, (5-2 (92)), 679-682.
3. Пўлатов, Х. Ў. (2021). УЛГУРЖИ САВДО КОРХОНАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ. Экономика и социум, (4-2 (83)), 318-323.

4. Пўлатов, Х. Ў. (2021). ТУРЛИ ФАОЛИЯТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ КОРХОНАЛАРДА ТОВАР АЙЛАНМАСИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. Экономика и социум, (5-2 (84)), 186-189.
5. Bondarskaya, O.V., Tukhtabaev, J.S., Akramova, R.R., Saidrasulova, K.B., Shirinov, U., Kurbanova, Z.T. (2023). The Impact of Digitalisation on the Safe Development of Individuals in Society. In: Koucheryavy, Y., Aziz, A. (eds) Internet of Things, Smart Spaces, and Next Generation Networks and Systems. NEW2AN 2022. Lecture Notes in Computer Science, vol 13772. Springer, Cham. [https://doi.org/10.1007/978-3-031-30258-9\\_25](https://doi.org/10.1007/978-3-031-30258-9_25)